

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабиётшунослик

Матлуба МАҲКАМОВА,
тадқиқотчи



МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ БОЛАЛАР ДРАМАТУРГИЯСИДА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Мустақиллик йилларидаги янгиланиш барча соҳалар қатори адабиёт ва санъатнинг турли жанрларида ҳам ўз ифодасини топди. Шундай сиралардан бири драматургиядир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, драматургия адабиёт жанрининг энг мураккаб соҳаси саналади. Болалар драматургияси эса инчинун. Бу соҳа ҳамма вақт энг долзарб масала бўлиб келган ва келмоқда. Азал-азалдан болалар драматургиясидаги муаммолар ўз ечимини топган эмас. Бизга яхши маълумки, болалар учун назмда ижод қилган шоирлар кам бўлмаган. Бироқ насрда болалар учун деярли пьесалар ёзилмаган. Театр жамоалари учун махсус пьесалар ёзилган бўлса-да, улар яхлит китоб ҳолида ёинки матбуот саҳифаларида чоп этилмаган. Драматурглар пьесаларини тўғридан-тўғри театр жамоасига олиб боришган. Ва ҳозир ҳам бу жараён давом этиб келаяпти. Театрлар кўпроқ ўзбек халқ эртаклари ёхуд халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенгроқ фойдаланишган. Бу орада таниқли ёзувчиларнинг айрим асарларини инсценировка қилиб, саҳнага олиб чиқиш ҳоллари ҳам учрайдики, буни ижодда ўзига хос услуб дейиш мумкин.

Мустақиллик йилларида болалар учун ҳам бир қанча бадиий асарлар яратилдики, драматургия майдонида таниқли шоир Анвар Обиджон, олим ва драматург Шуҳрат Ризаев, ёзувчи Тоҳир Малик, Шароф Бошбеков, Салоҳиддин Сирожиддинов, Эркин Хушвақтов сингари ижодкорларнинг пайдо бўлиши яхши натижа эди. Бу ижодкорларнинг асарлари жажжи, ўрта ёш ва ўсмир ёшдаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, улар саҳна юзини кўрди. Албатта, бу каби асарлар бугунги кун ёшлари учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Лекин бу билан биз ҳали болалар драматургияси олдида турган муаммолар ўз ечимини топди, дейишга ҳақли эмасмиз.

Масаланинг бошқа томонлари ҳам борки, бу қуйидагиларда ўз аксини топади.

Биринчидан – сир эмаски, бугун биз ахборот технологиялари асрида яшаяпмиз. Бу эса ёшларимиз турмуш тарзи, маънавияти, дунёқараши, онгу шуурида салбий ва ижобий бурилиш ясаяпти, десак муболаға бўлмайди. Бугун уяли телефон, интернет тармоқларида ишлашни деярли барча ўсмир ёшлар яхши билади. Ҳиссиз бу воситаларнинг салбий томони шундаки, у ўсмир ёшларнинг қалбларидаги инсонийлик ҳистуйғуларини тарбияламайди. Аксинча ёшлар қалбида шафқатсизлик, баджаҳллик, бепарволик, лоқайдлик каби қирраларни шакллантиришга хизмат қилади. Бир сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан айтганда, кўнгил ва руҳ тарбиясини, ёшлар тафаккурини ўтмаслаштиришга олиб келади.

Иккинчидан – четдан ёппасига бостириб келаётган “оммавий маданият” эса ҳар бир ёшни ўз домига тортиб кетаётгани ҳам бор гап. Кўча-кўйларда интернет тармоқлари орқали турли ахборотларни ўзлаштиришга, қимматли вақтларини компьютер хоналарида соатлаб ўйин ўйнашга, уяли телефондаги беҳуда ёзишмаларга сарфлаётган ёшлар ҳам кам эмас.

Учинчидан – бундай таъсирлар оқимидан бизни фақат адабиёт ва санъатгина қутқариб қолиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бугун болалар учун исталган мавзуда бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар яратиш мумкин. Фақат уни қай ҳолатда тақдим этиш, болалар руҳиятига, қалбига сингдириш мумкинлиги ижодкордан катта маҳорат талаб этади. Бугунги глобаллашув даврида интернет тармоқларининг ёшлар онгига зарари ва таъсири, унинг оқибатлари ҳақида нима учун саҳна асари ёзиб бўлмайди. Вақт шу қадар одимлаб кетаяптики, ҳар бир ижодкор бу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалана билмоғи замон талабидир.

Бинобарин, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиш, болаларнинг руҳиятига хос ва мос асарлар яратиш бу куннинг энг долзарб масаласидир.

Болалар драматургияси ҳақида сўз кетар экан, яна бир муҳим масала юзасидан фикр билдиришни лозим, деб биламиз. Бу масала – бадиий асарларда замон қаҳрамони масаласидир. Назаримизда, бугунги давр ёшлари учун кимни замонамиз қаҳрамони деб кўрсатиш ҳам диққат ва эътибор талаб қиладиган масала. Ёшларимизга Алпомиш, Гўрўғли сингари халқ достонлари асосида саҳна асарлари ёхуд миллат шаъни ва шавкати учун курашган буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби соҳибқиронларимиз ҳақида ёйинки мумтоз адабиётимизда улкан маънавий мерос қолдирган Навоий, Бобур сингари алломаларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди, уларнинг болалиги ҳақида саҳна асарлари ёзиш пайти келмадимикин, деб ўйлаб қоласан киши. Ҳолбуки, бизнинг юртимизда бундай улуғ сиймолар, улар қолдирган маънавий мерос беҳисоб. Бугунги аксарият ёшларимиз эса булар ҳақида яхши билмайдилар. Болалар учун хоҳ тарихий мавзу, хоҳ замонавий мавзу бўлсин ибрат бўла оладиган қаҳрамон жуда-жуда зарур. Негаки, бугун ўсиб-улғайиб келаётган ёш кимгадир ҳавас қилгиси, ўхшагиси, ўша қаҳрамон қиёфасида ўзини кўргиси келади ва бунга интилади. Гап шундаки, ўша қаҳрамоннинг ўзи ким? У қай жиҳатлари билан, қай феъл-атвори билан ёшларга ўрнак бўла олади? деган савол ҳар бир қалби уйғоқ ижодкорни ўйлантириши керак. Яна бир муҳим масала. Бугун, ҳамонки, болалар учун махсус асарлар ёзилмаётган экан, болалар учун ёзилган бадиий асарларни инсценировка қилиш нега мумкин эмас? Масалан, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг “Сеҳрли қалпоқча” ва шу сингари асарларини худди Тоҳир Маликнинг “Алвидо, болалик” қиссаси каби инсценировка қилиниб, саҳнага олиб чиқилса бўлади-ку?! Назарамизда, биз ана шундай услуб ва усуллардан ҳам кенг фойдалана билишимиз керак. Бундан ташқари жаҳон драматургларининг ҳам асарларига мурожаат қилиш, бизнингча, яхши натижа беради. Ёшларнинг эстетик дидини шакллантиришда, тарбиялашда, қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришда, қолаверса, миллий истиқлол ва миллий ғоя, қадрият ҳамда анъаналар каби тушунчаларнинг пайдо бўлишида, болалар драматургиясининг, адабиётнинг ва саҳнавий асарларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс эканини унутмаслик лозим. Бу борада, адабиёт намояндалари, драматурглар, болалар ёзувчилари ёшларимиз учун, келажак авлод учун бадиий жиҳатдан пухта, мазмунан теран, ҳам замонавий, ҳам тарихий мавзулардаги асарларни яратишга киришишлари муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг: “Биз фарзандларимизнинг руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур”, деган сўзлари ижодкорларимиз учун ҳамиша дастуруламал бўлиб қолиши лозим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зеро, бугун ахборот асрида ёшлар олдида турган долзарб вазифалар, муаммолар, ютуқлар, уларнинг маънавий олами яратилаётган асарларда бадиий таъсирчан очиб берилсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Драматургларимиз оилавий-маиший мавзулар атрофида ўралашиб қолмасдан, атрофга кенгроқ назар солишлари, айниқса, болалар қалбига чуқурроқ кириб боришлари талаб этилади. Халқимиз ҳаётида, ёшлар ва болалар оламида ҳар кун, ҳар дақиқа ўзгаришлар, янгиланишлар бўлиб турибди. Бу жараёнларни диққат билан кузатиб, ютуқ ва камчиликларга рўй-рост муносабат билдириш ҳар биримизнинг, жумладан, ижодкорларнинг ҳам бурчи. Биз ижод аҳлидан болалар учун махсус, бадиий пухта, мазмунан теран, уларни фикрлашга ундайдиган, қалбан улғайишга сафарбар этадиган, қизиқарли асарлар кутишга ҳақлимиз.

Зеро, ёш томошабинларни тарбиялашда, эстетик дидининг шаклланишида, қалбида ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда, қолаверса, миллий қадрият ва анъаналар каби тушунчаларнинг пайдо бўлишида саҳнага олиб чиқилаётган асарларнинг аҳамияти ҳамда ўрни беқиёс эканини унутмаслик лозим. Бу борада, адабиёт намояндалари, драматурглар болалар учун бадиий жиҳатдан пухта, мазмунан теран, бугунги кун ёшларига мос бўлган замонавий мавзулардаги асарлар яратишга эътибор беришлари лозим.

* * *

Кимки ўзини ўз даражасидан юқори кўтарса,
ундай кишига камолот йўли тўсилиб қолади.

Абу Наср Форобий

* * *

Кураш сўнггида адолат барибир ноҳақликнинг
устидан ғалаба қозонади.

Гезиод

www.ziyouz.com kutubxonasi